



**УЎТ: 633.51+631.811.1**

**СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ КУЗГИ  
БУҒДОЙНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИКЛАРИГА ТАЪСИРИ**

**Азимова Мадинабону Гуламмажановна**

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва  
етиштириш агротехнологиялари  
илмий- тадқиқот институти  
қишлоқ хўжалиги фанлари  
фалсафа доктори, (DSc) докторант*

**Аннотация:** Ушбу мақолада типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Гром навида макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини кузги буғдойнинг ҳақиқий кўчат қалинликларига таъсири аниқланган.

**Калит сўзлар :** кузги буғдой, суспензия, макро ва микроэлементли ўғитлар, кузги буғдойнинг ҳақиқий кўчат қалинликлари.

Республикамиз қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришининг асосий йўналишларидан бири бошоқли дон етиштириш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда Республикаизда бошоқли доннинг асосий қисми ғўза қатор ораларига экилмоқда Кузги буғдой экиш олдидан экиладиган майдонни сифатли тайёрлаш зарур. Бунинг учун бегона ўт қолдиқларидан тўлиқ тозалаш, майдонга нам бериш, тобига келган майдонни камида 30-35-см чуқурликда ҳайдаш, текислагичлар билан сифатли қилиб текислаш, кесакли майдонларда кесакларни майдалаш, дала атроф ва четларни яхшилаб юмшатиш лозим. Майдон кесакли қилиб тайёрланса уруғлар бир текис жойлашмайди, ернинг юзасида қолганлари ҳамда қўмилмаган уруғлар нобуд бўлади. Натижада кўчат сийраклашиши юзага келади ва ҳосилдорликнинг пасайишига сабаб бўлади. Ноябр ойининг бошларида туплаган буғдой 65-70 центнер ҳосил беради.

Буғдойдан юқори ҳосил олиш учун тупроқ иқлимга мос, серҳосил навларни экиш керак.

Бизнинг дала тажрибамиз 2021-2022 йил шароитида ПСУЕАИТИ тажриба участкасида кузги буғдой экилган далаларда олиб борилди. Тажрибада кузги буғдойнинг “Гром” нави экилди. Тажриба вариантлари 3 –ярус, 3 қайтариқда олиб борилиб, делянкалар майдони  $4,8 \times 30 = 144 \text{ м}^2$  ни, ҳисоблиси  $-48 \text{ м}^2$  ни ташкил этди. Тажрибада маъдан ўғитлар билан биргаликда макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни турлари қўлланилди: Ўғитларнинг меъёрлари тажриба тизими асосида (муддат ва турли меъёрларда) қўлланилди

Айтиш жоизки, изланиш йилида (2022 й.)күзги буғдойни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларида қўлланилган суспензия меъёрлари бўйича назорат вариантида 3 та қайтариқ бўйича ҳақиқий кўчат қалинлиги 3550 минг туп/га оралиғида бўлди.

Кузги буғдойга макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш самарадорлиги ўрганилаётган вариантларнинг кўчат қалинлиги куйдагича бўлди; Карбамидни (3-вар) 4,0; 6,0; 8,0 кг/га қўлланилган вариантида кўчат қалинлиги 3610; 3710; 3650 минг туп/га, IFO UAN 32 ни (6-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га қўллаганимизда 3640; 3720; 3710 минг туп/га, IFOCOMBI Fe ни (9-вар) 2,5; 3,5; 4,5 л/га қўллаганимизда 3690; 3600; 3580 минг туп/га, IFOMACROMIX ни (12-вар) 2,0; 3,0; 4,0 л/га қўллаганимизда 3590; 3700; 3600 мингтуп/га, AMINOCALни (15-вар) 3,0; 4,0; 5,0 л/га қўллаганимизда 3650; 3680; 3600 минг туп/га ни ташкил қилди. Демак, изланиш йилида кўчат қалинликлари бироз фарқланса ҳам лекин вариантлар орасидаги ўртача фарқи 5-10 минг/га ни ташкил қилдики, бу услубий жиҳатдан белгиланган фарқланишга киради ва тажрибани тўғри олиб борилганлигидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, биз қўллаган макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни кузги буғдойнинг қишлош даражасига ёки ҳақиқий кўчат қалинликларига таъсири кузатилмади.



#### СУСЕНЗИЯ СЕПИШ ЖАРАЁНИ

Азимова М.Г., қ.х.ф.ф.доктори (ПСУЕАИТИ)

#### АДАБИЁТЛАР:

1. А. Аманов ва О. Аманов. Кузги бошоқли дон экинларини барг орқали озиқлантириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №5 2016.й. 35 б.
2. Ермаков А.И., Сичкарь Н.М., Айзина М.И. Применение минеральных веществ для внекорневого питания некоторых зерновых, масличных и овощных культур. Внекорневая подкормка с.-х. растений. Сельхозгиз, 1955. 17 с.

3. Р.Сиддиқов ,Ф.Асронов .Галла ривожини жадаллаштириш учун нима қилиш керак? Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №4 2018. й .6-7 бетлар.
4. Д.Холдаров, Д.Шодиев.Микроэлементларга бойитилган минерал ўғитларнинг ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 388-390 б.
5. Абдураҳимова М. А. Dorivor o ‘simliklarning o ‘sishi va rivojlanishi va dorivor xususiyatlaridan foydalanish //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D3. – С. 35-42.
6. Abdurahimova M. et al. HEALING PROPERTIES OF MEDICINAL WHITE AND BLACK (SESAME) SESAME //Science and Innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 100-104.
7. Abdurahimova M., Nazirjonov U., Muhammadjonov R. DORIVOR ECHINACEA PURPUREA O ‘SIMLIGINING FOYDALI XUSUSIYATLARI VA UNDAN HALQ TABOBATIDA FOYALANISH //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D6. – С. 197-201.
8. Abdurahimova M., Mamadaliyeva D., Siddiqova G. DORIVOR O ‘SIMLIK ISIRIQNING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. D6. – С. 185-188.
9. Abdurahimova M., Nazirjonov U., Muhammadjonov R. USEFUL PROPERTIES OF THE MEDICINAL PLANT ESHINACEA PURPUREA AND ITS USAGE IN FOLK MEDICINE //Science and Innovation. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 197-201.
10. Abdurahimova, M. A., & Muratova, R. T. (2023). ERMAK VA NA’MATAK O ‘SIMLIGINING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARINI O ‘RGATISH ORQALI TALABALARNING XALQ TABOBATIGA BO ‘LGAN QIZIQISHLARINI OSHIRISH. PEDAGOG, 6(12), 42-46.
11. Abdurahimova, M. A. (2023). IBOLOGIYA FANINI O ‘QITISHDAGI INNOVATSİYALAR VA ILG ‘OR XORİJIY TAJRIBALAR. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 518-521.
12. Abdurahimova, M. A., & Oybek o‘g, Y. L. S. (2023). SO‘YA O‘SIMLIGING MORFOLOGIYASI VA YETISHTIRSH TEXNOLOGIYASI. Новости образования: исследование в XXI веке, 2(16), 522-527.
13. Abdurahimova, M. A., & Rustamova, M. S. (2023). FORMAKOPIYA DORIVOR O ‘SIMLIKLAR FANINI O’QITISHDA PEDAGOGIK VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH YO’LLARI. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(20), 69-75.
14. Abdurahimova, M. A. (2023). DORIVOR XOM ASHYOSI PO ‘STLOQ XISOBLANGAN O ‘SIMLIKLARNI O ‘RGANISH VA ULARDAN



CANADA

**INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION**  
**International scientific-online conference**



CANADA

**OLINADIGAN PREPARATLARNI TIBBIYOTDA QO ‘LLANILISHI. QO  
‘QON UNIVERSITETI XABARNOMASI, 198-200.**